

**АНИҚ ФАНЛАР ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ
МИЛЛАТЛАРАРО МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

Жарқинов Зарифжон Умаралиевич

Фарғона давлат университети мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6757388>

Аннотация. Мақолада фанлараро ҳамкорлик асосида ижтимоий фанлар ўқув жараёнида аниқ фанлар йўналиши талабаларининг миллатлараро мулоқот маданиятини ривожлантиришига қаратилган интерфаол инновацион педагогик технологияларни кўллашнинг педагогик, психологик жиҳатлари, зарурати таҳқил қилинган.

Калим сўзлар: фан, аниқ фан, талаба, миллат, мулоқот, миллатлараро мулоқот, маданият, мулоқот маданияти.

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ
ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ КУЛЬТУРЫ ОБЩЕНИЯ НАЦИИ СТУДЕНТЫ ПО
НАПРАВЛЕНИЯМ ТОЧНЫЕ НАУКИ**

Аннотация. В статье анализируются педагогические, психологические аспекты применения интерактивных инновационных педагогических технологий, направленных на развитие культуры общения национальных студентов направления точных наук в образовательном процессе общественных наук на основе сотрудничества в науке.

Ключевые слова: наука, точные науки, студент, общение, национальность, коммуникация, культура, культура общения.

STUDENTS OF EXACT SCIENCES

**PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL FEATURES OF THE DEVELOPMENT OF
THE CULTURE OF COMMUNICATION OF THE NATION**

Abstract. The article analyzes the pedagogical, psychological aspects of the application of interactive innovative pedagogical technologies aimed at developing the culture of communication of the nationlararo students of the direction of Exact Sciences in the educational process of Social Sciences on the basis of cooperation in science.

Keywords: science, exact science, student, nationality, communication, nationlarar muloqot communication, culture, culture of communication.

КИРИШ

Бугунги мураккаб иқтисодий-ижтимоий ва мафкуравий жараёнлар қаршисида жамият барқарорлигининг муҳим шартларидан биримиллатлараро толерантликни мустаҳкамлаш ҳисобланади. Глобаллашув шароитида манбаатлар ҳилма ҳиллиги муайян зиддиятларни келтириб чиқаради. Айниқса, кўпмиллатли давлатларда жамият бирлиги, бирдамлигини таъминлаш ва ягона мақсад асосида фаолиятни ташкиллашда бағрикенглик тамойилининг муҳим аҳамияти намоён бўлади. «Миллатлараро мулоқотда барқарорликни таъминлаш учун манбаатлар мувозанатини яратиш мезонларини миллий ва минтақавий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда шакллантириш зарур». Ана шундай мезонлардан бири миллатлар ва элатлар ўртасида бағрикенгликни таъминлашдир.

Миллатлараро толерантликни аниқ фанлар йўналиши талабаларида ривожлантиришни таҳлил қилишдан аввал толерантлик категориясининг мазмун-моҳиятини таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳиссобладик.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Дунёнинг ривожланган ғарб мамлакатларида миллатларо мулоқот, диний бағрикенглик, маданиятларо мулоқот ва тотувлик жараёнининг илмий-педагогик жиҳатларини Р.Сколлан, Д.Феилдс, Д.Грин, Ж.Алстете, М.Ли, А.Айлбаи, Г.Бланчард, С.Каранасиос, И. Бендер, Н.Жексон, Ҳ.Ланд, Ж.Метюситс, Ж.Спендолини, М.Зайрий, Д.Хенс, С.Маргинсон, М.Венде, З.Саригил, Э.Каракоч, А.Робинсонкаби олимларнинг тадқиқот ишларида таҳлил қилинган.

МДХ давлатларида толерант миллатларо мулоқот маданиятини шакллантириш муаммоси А.Карпов, Т.Воробёва, Л.Полешчук, Н.Швитс, Ш.Исмаилова, Б.Туребаева, А.Аксентьев, В.Амелин, Ю.Антонян, А.Верховский, М.Давитадзе, М.Джунусов, Л.Максакова, Е.Михайлова, В.Петришев, П.Полян, В.Прибыловский, В.Ремарчук, З.Сикевич, Г.Солдатова, Е.Степанов, А.Таксанов, В.Тишков, В.Шаповалов каби олимлар томонидан ўрганилган.

Мамлакатимизда миллатлараро мулоқот маданиятининг илмий-педагогик жиҳатлари ва педагогик жараёнда талабаларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш масалалари педагог олимлар Г.Арирова, З.Азимова, О.Мусурмонова, Д.Рўзиева, З.Салиева, Б.Ходжаев, М.Курунов, Т.Эгамбердиева, Н.Эгамбердиева, З.Исмоилова, Н.Жўраев, Г.Қўшоқовалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Миллатлараро муносабатларда толерант мулоқот тилини яратиш ҳар бир замонда долзаб вазифалардан бири бўлиб келган. Толерантлик тушунчаси ҳар бир миллатда турлича талқин қилинади. Мисол учун, инглизчада «толерантлик» - шахс ёки нарсани ҳеч қандай эътиrozсиз қабул қилиш қобилияти ва ҳозирлик; французчада – ўзганинг эркинлиги, унинг фикрлаш тарзи, хатти-ҳаракати, сиёсий ёки диний қарашларини ҳурмат қилиш; арабчада – кечириш, марҳаматлилик, раҳмдиллик, чидам, ўзгаларга илтифотлилик; хитойчада – ўзгаларга нисбатан бағрикенгликни намоён этиш; русчада – чидай олиш, чидамлилик, ўзгалар фикри билан қизиқиш қобилияти, ўзгалар қилмишларига нисбатан марҳаматли бўлиш каби маъноларни англатади».«Европа халқлари тилида толерантлик тушунчаси чидамлилик билан бирга кимга ёки нимага нисбатан марҳаматлилик қила олиш ва бошқа бир фикр ёки ҳаракат учун имконият яратиш маъносида тушунилади». Шу билан бирга толерантлик дунёқараш сифатида зўравонликнинг бир кўриниши бўлган экстремизмга қарши фаолиятдир.

Психологик нуқтаи назардан толерантлик – «кинсоний бағрикенгликнинг бир кўриниши ёки ифодаси бўлиб, инсон учун ёқимсиз, нохуш бўлган бирор омилга нисбатан қатъий жавобнинг йўқлиги ёки унинг кучсизлигини билдиради. Ўша вазият ёки омил қанчалик шахсга ёқмаса-да, у бунга чидайди, босиқлик қиласи, керак бўлса мослашади».

Бугунги кунда илмий адабиётларда миллатлараро толерантлик ўз моҳиятига кўра сиёсий, илмий, диний, тарбиявий турларга бўлинади.

Миллат толерантлиги ҳақида гап кетаётганда олимлар табиий ва маънавий толерантлик турларини ажратадилар. Шуларга биноан, миллатни икки турга – толерант миллатлар ва интолерант миллатларга ажратиш мумкин.

Шу нуқтаи назардан, толерантликнинг шаклланганлик меъёрлари қуйидагича:

Ташқи толерантлик – «талаба ўзида шаклланган бағрикенглик тамойилларини бирорларга нисбатан қўллай олади, бошқаларга нисбатан ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик

хусусиятлари ёрқин шаклланган ва амалиётда қўлланилади, талаба ҳар бир масала юзасидан ўз нуқтаи назарига эга, аммо уни бирорларга зўравонлик йўли билан сингдиришдан ўзини тута олади, нарса ва ҳодисаларни баҳолашда турли назар билан қарай олади».

Ички толерантлик – талаба «ўз маънавий ва руҳий ҳолатида билим ва тажрибаларига таянган ҳолда ҳар қандай муаммо юзасидан тўғри ва бирорлар қадр-қимматини ерга урмаган ҳолдаги қарорларни ўзи учун қабул қила олади ва шу билан жамият ва ўзгалар ҳукуқларини поймол этмайди».

Бугунги кунда мамлакатимизда олий таълим муассасаларини ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда ислоҳ қилиш зарурати пайдо бўлмоқда. Бундай вазиятда талабалар билимини ошириш, дунёқарашини, тафаккурини ўстириш орқали жаҳон стандартларига жавоб берадиган кадрларни тарбиялаш зарур. Замон талабларига жавоб берадиган фикрлаш тарзига, теран тафаккурга ва кенг дунёқарашибга эга мутахасисиларни тарбиялаш билан бирга юксак мулоқот маданиятига эга шахсларни ҳам тарбиялаш эҳтиёжи ортмоқда. Миллатлараро интеграцион алоқалар кучаяётган вазиятда нафақат билимли, салоҳиятли, балки толерантлик сифатларига ҳам эга мутахасисларга талаб ортмоқда. Ўзбекистон кўпмиллатли мамлакат бўлганлиги боис бўлажак кадрлар олий таълим муассасасини миллатлараро мулоқотга тайёр бўлган ҳолда тамомлашлари ва меҳнат фаолиятлида миллатлараро толерантлик мухитини яратишлари лозим.

МУҲОКАМА

Хозирда олий таълим муассасаларидаги аниқ фанлар йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантириш масаласи нафақат педагоглар, балки шу соҳа билан алоқадор бўлган ҳар бир кишини ташвишга солиши керак. Чунки жамият аъзолари орасидаги англашилмовчиликнинг аксарият қисми уларда толерантликка оид билимининг етарли даражада шаклланмагани натижасида вужудга келмоқда. «Толерантликнинг етарли даражада таркиб топмаганлиги учун ҳам инсонларни бошқа бирлари томонидан турли диний оқимларга тортиш, диний низоларни келтириб чиқариш, у ёки бу миллатга хос бўлган маданий обидаларни бузиш, халқнинг фахри, ғурури, миллий бойликларига даҳл қилиш ҳолатлари тез-тез учрамоқда. Толерантлик тарбиясида ҳар бир талабанинг алоҳидалиги, ўзига хослиги, бағрикенглик тушунчаларини ўзлаштиришга мойиллиги, ижодий фикрлашга одатланиш даражасини аниқлаган ҳолда педагогик чора-тадбирларни қўллаш тавсия қилинади. Акс ҳолда педагогик таъсир имкониятлари намоён бўлмай қолади».

Аниқ фанлар йўналиши талабаларида толерантлик тафаккурини шакллантиришда куйидаги ахлоқий ва маънавий хислатларни тарбиялашни талаб этади:

- «ахлоқий фазилатларни ўзида намоён қилиш;
- давлат қонунларига ҳурматда бўлиш ва эъзозлаш;
- жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларни адолат мезонлари асосида қуриш ҳамда улар ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш;
- барқарор, тинч ва осуда яшаш тамойилларига итоат этиш ва қадрлаш;
- жамият аъзолари маданияти, урф-одатлари, тафаккури ва қарашларига дунё ранг-баранглиги сифатида ёндошиш, улар ирқи, миллати, тили ва динига ҳурмат билан қараш, тинчлик меъёrlарини сақлашни инсоннинг энг олий қадриятларидан бири сифатида англаш;

- бузғунчилик асосиға қурилған барча ёт мағкуравий ғоялар ва қараашларга нисбатан қарши тұра олиш хусусиятига зәғ бўлиш;

- ўз миллати тарихи, маданияти, санъати, тили ва урф-одатларини дунё цивилизациясининг тенг ҳуқуқли ва ноёб хусусияти сифатида ардоқлаш, уни бошқа миллатлар қадриятларидан устун қўймаслик».

Аниқ фанлар йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантиришнинг ўзига хосликлари куйидагилар билан асосланади:

Биринчидан, аниқ фанлар йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантириш асосида уларни миллатлараро мулоқотга тайёраш бирмунча самарали ва қулай ҳисобланади. Яъни, бўлажак математика ёки физика фани ўқитувчисида толерантлик қўникмаси юқори даражада шаклланган бўлсагина фаол, тоқатли, бағрикенг миллатлараро мулоқотга кириша олади. Аслида, «самимий мулоқот ишончга, тоқатга ва чидамлиликка асосланади. Аниқ фан ўқитувчилари ҳам дарс жараёнида ўқувчилар билан мулоқот қиласди. Бунда педагогга ўқувчилар турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, ҳистуиғулари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан тоқатли, чидамли бўлиш вазифаси юклатилади»[95;303]. Чунки ўқувчилар ичида турли миллат вакиллари, турли эътиқод, характеристика, одат эгалари бўлиши мумкин. Дарсда самимий мулоқотни йўлга қўя олсагина машғулот самарали бўлади. Шундай экан, аниқ фанлар йўналиши талабаларини ижтимоий фанларни етарлича билиши, ижтимоий масалаларги ёндашув берса олиши, миллатлараро толерантликни ўқувчиларга кўрсатиб бера олиши зарур.

Иккинчидан, аниқ фанлар битирувчиси ўзида миллатлараро толерантлик асосида шаклланувчи диний бағрикенгликни намоён қила билиши зарур. Бунинг долзарблигини Ўзбекистон Библия жамияти ижрочи директори С.Митин: «Диний бағрикенглик ва қонун устуворлиги – бу кўпмиллатли давлат қурилиши лозим бўлган пойдеворнинг бир қисмидир», – деган нуқтаи назарни билан асослаган эди. Чунки ислом дини ҳам инсонларни толерантликка чақиради. Қуръони Каримда ва ҳадисларда ҳам, ҳатто тасаввуф фалсафасида ҳам бағрикенглик тарғиб қилинган. Жумладан, Нақшбандия тариқатининг бош шиори «Дил ба ёру, даст ба кор». Бу ғояда эътиқод ва меҳнат билан ҳаёт кечириш зарурлиги кўрсатилган. Эътиқодсиз инсонда бағрикенглик руҳияти бўлиши мумкин эмас, у маънан қашшоқ инсондир. Эътиқодли инсонда ўзга инсонлар, жамият ва бошқаларга нисбатан бағрикенг бўлиш руҳиятини шакллантиришнинг асоси ҳисобланади. Меҳнат билан ҳаёт кечиришни ўзининг ҳаёт мазмуни деб ҳисоблаган инсонда ҳам, ҳаллолик, самимийлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик туйғуларини шаклланган бўлади. Ислом динида тинчлик ва ҳамжиҳатлик ғоялари ҳам катта ўринни эгаллаган. Жумладан, «даъват» сўзининг маъноси хақида фикр билдирганда, унинг «тинчликни ҳамжиҳатликка даъват қилиши мумкинлиги, уни ислом динида эзгу мақсадларга хизмат қиласди» деб кўрсатилади. Дарҳақиқат, бўлғуси математика, физика фани ўқитувчиларида юксак диний бағрикенглик руҳияти шаклланган бўлса, ўқувчиларнинг эътиқоди, динний позицияси, дунёда бўлаётган диний низоларга объектив муносабати намоён бўлади. Биламизки, эътиқод масаласи нозик ва ҳар бир инсоннинг шахсий танлови ҳисобланади. Шундай экан, бўлғуси педагог касбий фаолиятида юксак миллатлараро диний мулоқотни кўрсата билиши зарур. Ҳуқуқий демократик давлатларда педагогнинг либерал қараашлари ва диний мансублигини ўқувчиларга сингдириш қаттиқ тақиқланади. Педагог ҳар бир

ўқувчининг миллий, диний, ирқий мансублигидан қатъий назар тенг муносабатни ўрната билиши, толерант мулоқотни намоён қилиши мухим ҳисобланади.

Аниқ фанлар йўналиши талабаларида толерантлик тафаккурини ривожлантиришда қуидаги ахлоқий ва маънавий хислатларни тарбиялашни талаб этади:

Ахлоқий фазилатларни ўзида намоён қилиш;

Давлат қонунларига ҳурматда бўлиш ва эъзозлаш;

Жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларни адолат мезонлари асосида қуриш ҳамда улар ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш;

Барқарор, тинч ва осуда яшаш тамойилларига итоат этиш ва қадрлаш;

Жамият аъзолари маданияти, урф-одатлари, тафаккури ва қарашларига дунё ранг-баранглиги сифатида ёндошиш, улар ирқи, миллати, тили ва динига ҳурмат билан қараш, тинчлик меъёрларини сақлашни инсоннинг энг олий қадриятларидан бири сифатида англаш;

Бузғунчилик асосига қурилган барча ёт мафқуравий гоялар ва қарашларга нисбатан қарши туроалиш хусусиятига эга бўлиш;

Ўз миллати тарихи, маданияти, санъати, тили ва урф-одатларини дунё цивилизациясининг тенг ҳуқуқли ва ноёб хусусияти сифатида ардоқлаш, уни бошқа миллатлар қадриятларидан устун қўймаслик

Аниқ фанлар йўналиши талабаларида толерантлик тафаккурини ривожлантириш асосида шаклланувчи сифатлар таснифи

«Ижтимоий-гуманитар фанлар аниқ фанлар йўналиши талабаларига давлат ва дин муносабатларидаги асосий тамойилларни қўйдагича тушунтиради.

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилишга;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олишга;

- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам хуқуқларини teng кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймасликга;

- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш заруратига;

- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этишга». Демак, юртимизда ҳам демократик давлатлардаги каби дин ва давлат муносабатлари алоҳида қонун билан тартибга солинган. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида «дунёвийлик –дахрийлик эмас» тамойили ўз кучини кўрсата бошлади. Ушбу тамойилдан келиб чиқиб миллатлараро мулоқотда, диний конфессиялар фаолиятида ба-рикенглик, тенглик қарор топади.

Жамиятда тиллар толерантлиги қўйидагиларда намоён бўлади:

- ҳукumatга мурожаат қилишда кишида ўз она тилида сўзлаш хуқуқининг мавжудлиги;

- бошқа коммуникатив вазиятларда ўз она тилида сўзлаш хуқуқининг сақланиб колиши;

-турли тилларнинг амалда биргаликдаги мавжудлиги: кўча ёзувлари, кўрсаткичлар, ахборот манбаларида қўлланилиши;

-турли тиллардаги расмий ахборотлар мавжудлиги: сони ва тури.

Аниқ фанлар йўналиши талабалари ҳам ўқувчиларда лисоний бағрикенглик руҳиятини шакллантиришлари ва тил имкониятларини тўғри баҳолай олишлари зарур. Педагог миллатлараро мулоқотнинг асоси бўлган тилга хурматни ўзида кўрсатиб бера олиши муҳим ҳисобланади. Дарс машғулотларида айрим педагогларни расмий мулоқот тилига бошқа тиллардаги сўзларни қўшиб гапириши, жаргон сўзларни ишлатишлари одатий холга айланганини гувоҳи бўлганмиз. Ёки белгиланган мулоқот тилида эмас, балки бошқа тилда машғулотни олиб боришини эшитганмиз. Шундай экан, турли миллатларга дарс беришда аниқ фан ўқитувчисига қўйилаётган талаб тиллар мейёрини аниқ белгилаш орқали лисоний бағрикенгликни кўрсата билишидир.

Аниқ фанлар йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантириш асосида миллатлараро тотувликка тайёрлаш ва жамиятда тинчлик-осойишталиктни таъминлаш зарур. «Тотувлик бир миллатни бошқа бир миллатга муносабатида ишончлилик, дўстоналик, яқдиллик, қариндошлиқ, бирдамлик, муросалилик каби инсонийлик муносабатлари мавжудлигини ифодалайди». Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мафкуравий зиддиятлар кучайиб бораётган даврда миллатлараро мулоқотда тотувлик муҳитини қарор топтириш жуда душвор ва мураккаб вазифалардан биридир. Бугун юртимиздага барча миллатлар орасида дўстлик, ахиллик ва бирдамлик муносабатини қарор топтириш жамият тарққиётининг гаровидир. Аниқ фанлар йўянли талабаларидан ҳам ўз жамоасида миллатлараро ахиллик, тотувлик ва бирдамликни шакллантириш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фикрига кўра, «бизнинг энг асосий ютуғимиз - кўп миллатли халқимизнинг вужудга келаётган қийинчилик ва синовларни енгишга қодирлиги, замонавий дунёқарashi, сиёсий онги ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани,

атрофимиздаги воқеаларга бепарво бўлмасдан, аксинча, даҳлдорлик туйғуси билан яшаётганидир».

Аниқ фанлар йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантириш асосида бағрикенглик идеалларини қарор топтириш лозим. Бунинг учун бўлажак кадрларни бағрикенглик руҳида тарбиялаш ва уларда тоқатлилик кўнікмасини мусатҳамлаш керак бўлади. Шунингдек, ҳар бир миллат вакиллари ичидан идеал толерант шахс қиёфасини яратиш зарур. Масалан, ҳинд миллати учун Маҳатма Гандибағрикенг инсон сифатида намуна бўла олган ва бугунги кунда ҳинд ёшларини тарбиялашда уни идеал қилиб шакллантиришга эътибор қаратилади. Бу орқали толерантлик тарбияси асосида миллат ва дин вакиллари ўзаро келишиб, ҳамжиҳат бўлиб, бир бирига зарап келтирмайдиган турмуш тарзини яратадилар. Шунингдек, Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев 2020 йил 25 декабр куни Ўзбекистон Ёшлари форимидаги нутқида ҳам юртимизда етишиб чиққан буюк алломалар, олимлар ва мутафаккирлар ҳам ёшлар учун инсонийлик ва ҳаёт идеалига айланишини алоҳида таъкидлайдилар. Зоро, «*сизлар кўп китоб ўқиган, билимли авлод сифатида юртимиз ўтмишида жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини яхши биласиз. Сиз Хоразмийлар, Фарғонийлар, Беруний ва Ибн Сино, Улугбек, Навоий ва Бобурлар, Бухорийлар, Термизийлар авлодисиз. Ана шундай буюк ватандошлиларимиз яратган бебаҳо билим ва қашфиётлар бугун ҳам бутун инсониятга хизмат қилмоқда*». Бу орқали ёшларда юксак мотивация ва ўз фаолиятини ривожлантиришга кучли ички истак уйғонади. Шу билан бирга уларда миллатлараро муолоқо асоси бўлган «инсонни инсон бўлганлиги учун қадрлаш» туйғуси шаклланади.

Аниқ фан йўналиши талабаларини миллатлараро толерантлик маданиятини шакллантиришда бадиий-эстетик толерантлик муҳим аҳамиятга эга. Толерантликни ҳозирги даврда кўп фанлар тадқиқ этади. Шу жумладан, фалсафа ҳам толерантликнинг умумий ҳусусиятларини ўрганади. Фалсафий фанлар доирасидаги эстетика илми инсонларда эстетик толерантликни шакллантирувчи фан ҳисобланади. Ҳаётимиз давомида инсонларга, инсон меҳнати маҳсулларига, уларнинг яратган бадиий-эстетик асарларига, илмий эстетик фаолиятига, эстетик қадриятларга баҳо беришга ҳаракат қиласиз. Бундай эстетик баҳо, реал, аниқ, ҳаққоний, мақсадга мувофиқ, адолатли, беғараз, мантиқийлик ва тарихийлик қонуниятларига амал қилиш жараённида амалга оширилади.

ХУЛОСА

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, аниқ фанлар талабаларини миллатлараро толерантликка йўналтириш биринчи навбатда ўзини ва ўзгаларни алоҳида ҳусусиятларини англашга ёрдам беришини, бошқа миллатлар билан ҳурмат ва биродарликка асосланган муносабатни, тил, миллат, дин, урф-одат, келиб чишидан қатий назар гуманистик муносабатда бўлишни ўргатади.

Аниқ фанлар йўналиши талабаларининг миллатлараро толерантлик маданиятини ривожлантириш орқали тенг ҳуқуқлилик (миллати, тили, дини, жинси, ирқий келиб чишидан қатый назар барча одамлар бир хил ҳуқуққа эгадирлар); жамиятнинг сиёсий ҳаётида иштирок этиш учун имкониятларнинг tengлиги; умумбашарий муаммоларни ҳал этишда барча халқлар, давлатлар, одамларнинг ўзаро ҳамкорлиги; жамиятнинг турли қатлам вакилларига ўзаро ҳурмат ва олийжаноблик; барча халқларнинг ўз тили, маданияти, урф-одатларига амал қилиш имконияти; жамиятнинг бошқа аъзолари ҳуқуқ ва

эркинликларига халақит бермайдыган шароитдаги эътиқод эркинлиги мавжуд эканлигини аңглаб етади.

Шундай экан, глобаллашган оламда мамлакатимизда умуминсоний бағрикенглик маданиятини юксалтирмасдан баркамол авлодни тарбялаб бўлмаслиги маълум бўлмоқда. Бугун ҳорижий мамлакатлардаги воқеалардан диний бағрикенглик қарор топмасдан туриб миллатлараро мулоқот ва миллатлараро толерантлик мустаҳкамланмаслигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Tatyana V. Vorobyova, Larisa G. Poleshchuk. Ethnic tolerance among students. WELLSO 2015 - II International Scientific Symposium on Lifelong Wellbeing in the World. 2016 Published by Future Academy www.FutureAcademy.org.uk. –P. 302
2. Современный словарь иностранных слов// Л.М.Баш, А.В.Боброва и др. – Москва: Цитадель-Трейд, 2006. – С.738.
3. Бардиер Г.Л. Социальная психология толерантности. – СПб.: Изд-во, СПбГУ, 2005. – С.120.
4. Қўшақова Г. Ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантириш йўллари. -Жиззах: 2010, -Б. 58.
5. Қодирова З.Р,Шарипов А.Ж. ва бошқалар.Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари.Тошкент: Фалсафа ва хуқуқ институти, 2006. 23-бет.
6. Митин С. Веротерпимость и торжество закона // Миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили / Таҳрир ҳайъати: З.Хуснидинов, Т.Алимов, А.Ҳасанов ва б. –Тошкент. 2003. –Б. 48.
7. Искандаров Б. Тасаввуп фалсафаси (ўқув қўлланма). Тошкент: 1995.-Б.16.
8. Ислом: Бағрикенглик ва мутаассиблик. Маъсул муҳаррир, З.И. Мунавваров. Тошкент: 1998.-Б.26.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Тошкент: Ўзбекистон. 1997, – Б. 43-44.
10. Fields, Doris J. Dr. (2010) Chapter 2 - Imagine the Possibilities: Content Analysis of an Interracial/Interethnic Communication Course, *The Scholarship of Teaching and Learning at EMU*: Vol.3, Article 6. –pp.5. Available at: <http://commons.emich.edu/sotl/vol3/iss1/6>
11. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-том. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.592.
12. Bakhromovich SI. The impact of managerial professional development on the effectiveness of Higher Education institution management. Academicia: an international multidisciplinary research journal. 2020;10(12):1014-20.
13. Siddikov, I. B. (2019). Философско-педагогические аспекты развития интеллектуальной культуры студентов. Вестник Ошского государственного университета, (3), 38-42.
14. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in Uzbekistan and the world.
15. Bakhromovich, S. I. (2021). A comparative induction of the epistemological and theological views of medieval Islamic oriental scholars. Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities, 1(1.7 Philosophical sciences).

16. Bakhromovich, S. I. (2021). Views on the role of science in human and society life in islamic teaching. International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences, 1(3), 79-86.
17. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. Canadian Social Science, 16 (2), 55-59 p.
18. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth's intellectual culture. European science review, (7-8).
19. Bakhromovich, S. I. (2020). Analysis Of Modern Approaches To Ensuring The Effectiveness Of Management In Higher Education Institutions. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 364-369.
20. Bakhromovich, S. I. (2021). Philosophical comparative studies of the epistemological and theological views of medieval eastern scholars. Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation. Turkey, 2021. №32 (3), (Scopus) – P. 30338-30355
21. Bakhromovich, S. I. (2022).Dialectical and synergetic features of the development of theological and epistemological views in medieval eastern islam. European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA), - Las Palmas, Spain, Volume 3, Issue 2 February, 2022. – P. 79-83